

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

*Кўлёзма ҳуқуқида*  
УДК:331.5:658 (575.1)

Асомова Дурдона Алешеровна

“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИОНЕРЛИК  
ЖАМИЯТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ  
ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ

5A230110 - “Демография. Мехнат иқтисодиёти” мутахассислиги

Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган  
диссертация

Илмий раҳбар: доц. А.Б.Хайитов

ТОШКЕНТ – 2018

Мазкур диссертацияда “Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик жамиятида ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизимиning самарадорлигини ошириш йўллари, ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизимига таъсир этувчи омиллар, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари, ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланган харажатлар таркиби ҳамда ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари баён этилган.

This thesis was devoted to ways to achieve the effectiveness of the labor incentive system in CJSC Uzbek Railways, the factors affecting the system of labor promotion, its unique characteristics of labor, the costs of incentives and priorities for the promotion of labor.

Магистрлик диссертация иши «Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси» кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

\_\_\_\_\_ 5-сонли баённома «14» 195 201\_\_й.

Илмий раҳбар:

А.Б.Хайдаров МНР

(илмий раҳбар и.ш.ф.)

имзо сана

Такризчи:

Исаевоъ М.М. МНР

(такризчи и.ш.ф.)

имзо сана

Магистрант:

Д.Н.Асланова МНР

(магистрант и.ш.ф.)

имзо сана

	<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ</b>	<b>“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА ХОДИМЛАР МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....</b>	<b>9</b>
1.1.	Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизимининг самарадорлигини оширишнинг аҳамияти.....	9
1.2.	Ходимларнинг меҳнатини рағбатлантиришни тамойиллари, боскичлари ва шакллари.....	13
1.3.	Корхоналарда иш ҳақи тўлашни ташкил этишнинг асосий элементлари..... Биринчи боб бўйича хulosा.....	18 26
<b>II БОБ</b>	<b>“ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ ” АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИДА                   ХОДИМЛАР                   МЕҲНАТИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ   ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ   ОШИРИШ                   ҲОЛАТИ ТАҲЛИЛИ.....</b>	<b>29</b>
2.1.	Темир йўл транспорт корхоналарида персонал фаолияти тавсифи ва меҳнат салоҳиятининг ҳолати.....	29
2.2.	“Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик жамиятида ходимлар меҳнатини рағбатлантиришга сарфланган харажатлар таркиби ва унинг таҳлили.....	38
2.3.	“Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик жамиятида меҳнатга ҳақ тўлашнинг умумий ҳажми ва унинг даражасига таъсир қилувчи омиллар таҳлили..... Иккинчи боб бўйича хulosा.....	48 56
<b>III БОБ</b>	<b>“Ўзбекистон темир йўллари ” акционерлик жамиятида ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизимининг самарадорлигини ошириш йўналишлари.....</b>	<b>59</b>
3.1.	“Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик жамиятида ходимлар меҳнатини рағбатлантириш тизимининг самарадорлигини оширишнинг такомиллаштириш йўллари.....	59
3.2.	“Ўзбекистон темир йўллари ” акционерлик жамиятида ходимлар меҳнатини рағбатлантиришнинг устувор йўналишлари..... Учинчи боб бўйича хulosалар.....	65 72
	<b>ХУЛОСА .....</b>	<b>75</b>
	<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>78</b>

## КИРИШ

**Диссертация мавзусининг долзарбилиги.** Бозор иқтисодиёти, кескин ракобат шароитларида ҳар бир корхонанинг муваффақияли фаолият кўрсатиши унинг жамоаси, персонали малакаси, билим ва тажрибаси, ташаббускорлиги, имтизомлилиги, масъулиятига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлиб колди. “Ўзбекистон темир йўллари” акционерлик жамиятида ходимлар меҳнатни рағбатлантириш тизимининг самарадорлигини ошириш йўналишлари бўйича сифатларни қарор топтириш ва ривожлантиришга бошқарувни такомиллаштириш ҳисобига эришилишиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Мажис Конунчилик Палатаси ва Сенати депутатларига Мурожатномасида “Ўзбекистон Республикасининг ташки савдо юкларини жаҳондаги ва минтақадаги асосий бозорларга олиб чиқадиган ишончли транспорт ва транзит йўлакларини изчил шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бугунги кунда бизнинг асосий юкларимиз Қозоғистон транзит йўлаклари орқали, айниқса, энг кўп юклар “Сариоғоч” станциясидан ўтади ва бу маршрут имкониятлари бизнинг эҳтиёжларимизни тўлиқ қондирмоқда, деб айттолмаймиз. Ушбу станциядан товарларни Ўзбекистон ҳудудига олиб киришда электровозлар, замонавий терминаллар етишмаслиги, темир йўл тармоқларидаги бандлик маҳсулотларнинг узоқ муддат қолиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу сабабли логистик маршрутларни диверсификация қилиш, бу борада кўшниларимиз билан амалий музокаралар ўтказиш зарур.”<sup>1</sup> - энг долзарб масалалардан бири эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

---

<sup>1</sup> Шавкат Мирзиёев Олий Мажис Сенати ва Конунчилик Палатаси депутатларига мурожатномаси. //Uza.uz.2017-йил 22 декабрь.